

Икки ракъатли фарз намозини ўқиш тартиби

16:01 / 01.07.2017 5214

Савол:

Ассалому алайкум! Фазилатли Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Ҳазратларининг (Мўминнинг меърожи китоблари 102-бет икки ракъатли фарз намозини ўқиш тартиби мавзусидан иқтибос келтираман). **“Сўнгра аввал тиккадан бошлаб, ўнг томондагиларни ва фаришталарни ният қилиб ўнг тарафга, кейин тиккадан бошлаб чап томондагилар ва фаришталарни ният қилиб чап тарафга салом беради, шу билан икки ракъатли намоз якунланади”.**

1-савол. Илтимос шу келтирган иқтибосимни кенгроқ тушунтириб берсангиз.

2-савол. Баъзи биродарларимиз намознинг аввалига, яъни намозга киришга ният қилинади, тамом бошқа ният қилинмайди, яъни салом беришдан олдин ният қилинмайди дейишяпти. Уларга қанча тушунтирсам ҳам тушунишни хоҳлашмади.

3-савол. Мен ҳар намозга икки тарафимга салом беришдан олдин юқорида келтирилган иқтибосдаги ният сўзларини махфий тарзда ичимга қалб билан тилимни қимирлатмай айтаман. Тўғри қилаяпманми?

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#) Маъмурият жавоб берди

Ва алайкум ассалом! Ниятдан мурод қалбга келтиришдир. Сиз тўғри қилаяпсиз. Валлоҳу аълам.

<http://savollar.islom.uz/savol/38379>